O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Касаба уюшмалар

# ЭЗГУ МАҚСАДДА

**Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорт корхоналари давлат уюшмасига қарашли 7-автокорхонада Оила йили муносабати билан ҳайдовчиларнинг оилаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Корхонада меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар ҳар томонлама моддий ва маънавий рағбатлантирилиб, яхши меҳнат қилишларига кенг имкониятлар туғдирилмоқда. Корхона касаба уюшмаси қўмитаси раиси Содиқ Усмонов билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.**

**— Содиқ ака, корхонанинг бугунги фаолияти қандай?**

— Корхонамизнинг ташкил топганига салкам 30 йил бўлди. Ҳозирги кунда жамоамиз 599 кишилик турли миллат вакилларидан таркиб топган бўлиб, шулардан 275 нафари ҳар хил тоифадаги ҳайдовчилардир. Улар йўловчиларга жонкуярлиги, касбига фидойилиги, ҳамжиҳатлиги каби ажойиб ҳислатлари билан ҳар томонлама ажралиб туради. Ҳар тонг 95-100 та машина йўловчилар манзилини яқин қилиш учун автокорхонадан шаҳар томон йўл олади.

**— Бу машиналар қайси йўналишга бўлинади?**

— Белгиланган 13 та йўналишда аҳолига намунали хизмат кўрсатишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. 2-йўналиш Москва остонаси — Шимолий вокзал, 31-Ибн Сино мавзеси — Беруний майдони, 32-Жанубий темир йўл вокзали — Эски Жўва, 33-Москва остонаси — Тўқимачилар комбинати, 77-Москва остонаси — Аэропорт, 94-Ал-Хоразмий мавзеси — Аэропорт, 125-Ўрикзор мавзеси — «Чилонзор» метроси, 13-Ал-Хоразмий мавзеси — Бешёғоч майдони орасидаги йўловчиларга хизмат кўрсатмоқдамиз.

**— Йўналиш машъаллари ва уларнинг иш тажрибаси ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Ҳафтанинг душанба кунлари йўналиш сардорларининг ҳисоботи бўлади. Кўпинча 32-йўналишнинг баракали кўрсаткичларидан мамнун бўламиз. Моҳир ҳайдовчилар М. Абдусаматов, Р. Азимов, У. Азаматов, И. Халилов, А. Тошметовларнинг номлари йўналишнинг илғорлари сафида ҳурмат билан тилга олинади. Ҳайдовчиларимиз кун сайин касб маҳоратларини ошириб бормоқдалар. Малака ошириш курслари ташкил этилиб, ишдан ажралмаган ҳолда «Етук мутахассисли ҳайдовчи» фахрли номини олиш учун амалий ва назарий машғулотлар ўтказилади. Бу фойдали ташаббус жамоамиз сафида машъалларнинг кўпайишида муҳим аҳамият касб этяпти. Тажрибали ва бехатар юрувчи усталар Раҳим Акромов, Абдусаттор Қозоқбоев, Козим Собиров, Адҳамбек Фармонбеков, Комил Норматов, Шуҳрат Ҳайитов, Мавлон Очиловлар ўз касбининг усталаридир. Улар бошқарган автобусга тушсангиз роҳат қиласиз, салон ва ўриндиқларининг озодалигидан баҳри-дилингиз очилади, кўзлаган манзилингизга етиб келганингизни ҳам сезмай қоласиз. Яна бир хушхабар — машъалларимиз миллион чақирим масофани бенуқсон босиб ўтиш арафасида турибдилар.

**— Бозор иқтисодиёти шароитида ички имкониятлардан қандай фойдаланилмоқда?**

— Биринчи навбатда янги техника кашфиётчиларининг ҳамкорликда ижод қилишларига қулай шарт-шароит яратиб берилди. Машинанинг эҳтиёт қисмлари: шпилка, стартёр қопқоқлари шу корхонада тайёрланмоқда. Корхонанинг меҳнат фахрийлари Вячеслав Пак, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Баҳодир Умаровлар ҳақида мароқ билан гапириш ўринли. Янгилик ижодкорлари ички имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда машина эҳтиёт қисмларини шу ернинг ўзида ишлаб чиқаришга эришдилар. «ДЭУ» автобусларининг олдинги ойнаси қиш мавсумида яхлаб қолар, ҳайдовчи йўлни равшан кўрмас ёки бирорта тасодиф ҳолатларининг бўлиши сезилиб турарди. Ихтирочиларимиз «ГАЗ-53» русумли автобус иситгичини қайта ўзгартириб «ДЭУ»га ўрнатдилар, сув насосини ҳам мослаштирдилар, узатгич валига янгилик киритдилар.

Йўналишларнинг режадаги машиналар билан бутланишида таъмирловчиларнинг меҳнатлари алоҳида ажралиб турибди. Устахонадаги таъмирловчилар, чилангарлар машиналарнинг техник сифат ва самарадорлигига жиддий эътибор берадилар. Айниқса, тунги сменада ишловчиларнинг меҳнатлари самараси эрта тонгданоқ яққол кўзга ташланади. Ҳайдовчилар томонидан кўрсатилган техник носозликлар туни билан созланади. Ҳатто автобусларнинг ички ва ташқи кўринишлари ҳам саранжом-саришталанади. Мойлаш, пайвандлаш, электр ва баллон қисмларини таъмирлаш ишлари кундуз кунлари қандай амалга оширилса, тунда ҳам таъмирлов сифат ва самарадорлиги назоратчилар текширувидан ўтади. Техник созлаш ишларини назорат қилиш Маҳмуджон Аҳмаджонов зиммасига юклатилган. Бу малакали уста корхонанинг 101 та чилангари иш сифатини ҳаққўйлик билан баҳолайди.

Кичик корхоналар очиб, енгил автомашиналарни таъмирлашни йўлга қўйдик. Ахлат ташувчи янги «ДЭУ» автомашиналарини созлаш ҳам бизнинг корхонамизда амалга оширилади. 5 ой мобайнида 14 миллион 165,5 минг сўм даромад олиб, шулардан 1 миллион 886 минг сўмини 13-ойлик маошига ажратдик.

**— Касаба уюшма қўмитаси ишчиларни моддий жиҳатдан қандай ҳимояламоқда?**

— Республикамизнинг барча меҳнаткашлари қатори 7-автокорхона жамоаси ҳам бозор иқтисодиёти муаммоларини ўз вақтида ҳал қилишга интилмоқда. Касаба уюшмаси қўмитаси корхона маъмурияти билан келишган ҳолда ҳайдовчиларнинг турмуш фаровонлигини ошириш чораларини изламоқда. «Соғлиқ — олтиндан қиммат» деганларидек, саройимизда соғломлаштириш маркази жамоамиз аъзоларининг сиҳат-саломатлигидан хабардор бўлиб турибди. Уқалаш ва игна билан даволаш усуллари кўпчиликнинг диққат-эътиборини тортяпти. Ҳамшира Лилия Короткова беморлар дардини енгиллаштирмоқда.

Наврўз ва Ғалаба байрами кунларида меҳнат фахрийлари ва илғор ишчиларга совға-саломлар туҳфа этдик, нафақахўрларнинг хонадонида бўлиб, байрам туҳфалари улашдик. Ҳар йили жамоамиз вакиллари «Чортоқ» санаторийси, «Сўқоқ», «Чинобод» дам олиш уйларида соғлиқларини тиклаб, янги куч-қувват ва яхши кайфият билан меҳнат қучоғига қайтадилар. 1998 — Оила йилида ҳожатбарорларимизнинг соғлиқларини тиклаш ва мустаҳкамлаш йўлида яна бир неча тадбирларни мўлжаллаб қўйганмиз.

Кичкинтойларнинг ёзги таътили одатдагидек «Автомобилчи» ва «Трамвайчи» оромгоҳларида мароқли ўтади. Бу йилги мавсумда фарзандларимизнинг ҳордиқ чиқаришлари учун жисмоний тарбия майдончалари ва ҳунар ўрганиш тўгаракларига алоҳида эътибор бердик. Мутахассислар болаларимизда меҳнатга меҳр уйғотишда бой тажрибаларини аямаётирлар.

Хуллас, ҳамшаҳарларимизнинг бекатларда автобус кутиб қолмасликлари учун бор ички имкониятлардан унумли фойдаланамиз. Олий мақсадга эришиш ниятида ҳамиша ижодий изланишдамиз. Йўловчиларга бўлган хизматимиз — беминнат!

*Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ,*
*Усмон МУҲАМЕДОВ.*

1998 — Оила йили

Ўзбекистон Мустақиллигининг етти йиллиги олдидан

Туманлар йўқламаси: ЮНУСОБОД

# АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА





(Давоми. Боши 1-бетда).

**— Маълумки, Юнусобод даҳасида баланд қаватли уйлар кўплаб жойлашган. Аҳолига қулай маиший шароитлар туғдириш, санитария ва ободончилик ишларини яхшилаш учун қандай ишларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда?**

— Инсонлар онгида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, амалга оширилаётган ободонлаштириш, қурилиш ишларига хайрихоҳлик туйғуларининг уйғониши жуда муҳимдир. Бу борада ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Фуқароларга тозалик, ободонлаштириш, уй-жойдан фойдаланиш ишлари бўйича ҳокимликнинг мурожаатномаси тарқатилди, барча қилиниши лозим бўлган ишлар режаси китобча шаклида раҳбарлар ва фаолларга берилди.

Айниқса туман коммунал-фойдаланиш бошқармасининг ҳар бир ижара корхонасига мустақиллик бериш, ҳисоб рақами очиш, ўзининг алоҳида хўжалик базасини яратиш, техника билан таъминлаш, бора-бора ўз-ўзини маблағ билан таъминлаб, боқимандаликдан чиқариш масаласига катта эътибор қаратилмоқда.

Бу ишда биринчи қадам қўйилди.

«Марказ-5» мавзеси ҳудудидаги биринчи ижара корхонасида тажриба тариқасида ишлаб чиқариш базаси ташкил этилди. У дастгоҳлар, компьютер билан таъминланди.

Бу ҳудудларни тартибга солиш, ободончилик ишларини ривожлантиришга эътибор кучайтирилди. Ўзбошимчалик билан ўраб олинган чакалакзорлар, қурилган чайлалар, товуқхоналар бузиб, тозаланмоқда. Ноқонуний қўшимча қурилган биноларни қонун йўли билан тартибга солиш ишлари ҳам давом этмоқда.

Барча ҳудуддаги ирригация шохобчаларини, жойларни чиқиндилардан тозалаш ишлари ҳам жонлантирилди, умумхалқ ҳашарлари уюштирилмоқда.

Чиқинди ташийдиган 10 та янги машина олинди.

Чиқинди олиш учун тажриба тариқасида 12х12 метр майдонча ўралиб, унга машина кира оладиган дарвоза ўрнатиш, битта оператор чиқиндиларни турларга ажратиб қабул қиладиган, елим қопчаларга жойлаб, чиқиндилар ортган машина ғилдираклари ювилиб, чиқиндихонани дезинфекциялаш, яъни бир сўз билан айтганда чет эл тажрибасини қўллаш учун тайёргарлик ишлари кўрилмоқда.

Фуқароларда ўз уйлари, атроф-муҳитга эгалик ҳиссиётини уйғотиш бўйича ҳар бир кўп қаватли уй, ташкилот, корхона, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларига атрофидаги 100 метрлик ҳудуддаги майдонлар бириктириб берилди. Унинг тоза сақланиши ва санитария ҳолатининг яхшиланишига жавобгар шахслар тайинланди.

Мавзелар ҳудудини ёритиш, йўл ва йўлкаларни таъмирлаш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш чоралари ҳам кўрилмоқда.

**— Туманда маҳаллаларда истиқомат қилувчи аҳолига қулайликлар туғдириш ишлари қай йўсинда ташкил этилмоқда?**

— Бу борада маҳаллалар ҳудудидаги муҳандислик тармоқларини ишга солиш, сув босимини кўтариш, транспорт қатновини яхшилаш, йўлларни таъмирлаш, оқава сув тармоқлари қурилишини тугаллаш, электр тармоқлари қувватини кўтариш ва шу каби юмушлар доимий диққат-эътиборимизда. Айниқса, Қизил деҳқон, Кулол Қўрғон маҳаллаларида электр қуввати етишмайди. Шу муаммоларнинг ечимига олиб борадиган чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилган. Босқичма-босқич бу ишлар амалга оширилиши режалаштирилди.

Янги ўзлаштирилган ерларда, яъни Бўзсув, Муродов кўчаларида янги уйлар қад кўтармоқда. Янги даҳа барпо қилинмоқда. 35—40 фоиз маҳаллаларда гузарлар мавжуд. Оила йилида ҳам учта янги гузар қурилмоқда. Шундан биттаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳомийлигида Акбаробод ва Ҳасанбойдаги янги Исломобод маҳалласида бошқа ҳомийлар ҳисобидан гузарлар қурилмоқда. Юқорида айтиб ўтилган ишларнинг 60-70 фоизини шу Оила йилида бажариш кўзда тутилган.

Маҳаллалардаги аҳолининг турмуш кечириши, уларни ободонлаштириш учун албатта маблағ керак. Бу муаммони ечиш мақсадида туман ҳокимлиги маҳаллалар ҳудудида савдо шохобчалари, маиший хизмат корхоналарини кўпайтириш, гараж хўжалиги ишини яхшилаш мақсадида улардан йиғиладиган тушумларни маҳалланинг ҳисоб рақамига ўтказилишининг чоралари кўрилмоқда.

**— Ҳасанбой шаҳримизнинг энг кенжа ва тобора чирой очиб бораётган даҳаларидан биридир. Даҳадаги муаммоларни ҳал қилиш, аҳолига яхши турмуш шароитларини яратиш учун ҳам катта саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётган бўлса керак?**

— Дарҳақиқат, туман ҳудудига бундан тўрт йил олдин Ҳасанбой даҳаси қўшилди. Албатта бу ҳудуд муаммолари долзарб ва ўзига хосдир. Бу ҳудудда 5 та маҳалла мавжуд бўлиб, аҳолиси 10 мингга яқин.

Ҳудуддаги 200 та хонадонда ичимлик суви йўқ эди. Насос ўрнатилиб, сув билан таъминлаш чоралари кўрилди. Мактаб, болалар боғчаси етишмас эди. 1256 ўринли мактаб қурилиши бошланиб, бу йил янги ўқув йилида ишга туширилиши учун барча чоралар кўрилмоқда.

Ўз-ўзини маблағ билан таъминлай олмаган кўчма механизациялашган жамлама ташкилотининг биносини олиб, уни қайта таъмирлаб, 250 ўринли болалар боғчасига айлантириш учун маблағ ажратилди. Бу жабҳада ишлар жадаллаштириб юборилди. Ҳудудда 800 метр йўл қурилмаган, уни қуриш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, даҳани қўшимча электр қуввати билан таъминлашни ҳал этишга эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили 25 та телефон тармоғи ўтказилди ва ишга туширилди.

Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлашни истардимки, туманда аҳолини иш билан таъминлаш, ҳар томонлама қулайликлар туғдириш юмушлари ҳам ҳокимликнинг доимий диққат-эътиборида. Чунончи, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида «Юнусобод» ва «Чоштепа» бозорларини кенгайтириш ва қайта қуриш чоралари кўрилмоқда. Бора-бора туманда деҳқон бозорларини кўпайтириш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Аҳолини иссиқ сув ва қишда иссиқлик билан таъминлаш долзарб масалалардан бири эканлигини ҳисобга олган ҳолда туманда 4-иссиқлик қозони қурилди.

Юнусобод асосан аҳоли истиқомат қилувчи, ишлаб чиқарувчи корхоналар кам туман ҳисобланади. Шуни назарда тутиб, кичик-кичик корхоналарни қуриб, янги иш ўринларини жорий қилишга, аҳолини иш билан таъминлаш ишларига эътибор кучайтирилмоқда. Бу соҳада биринчи қадам қўйилди. 17-мавзедаги Дўстлик маҳалласида 300 ўринли қандолат фабрикаси, Муртазоев кўчасида кир ювиш корхонаси, 2 та кийим тозалаш корхоналари қурилди. Бу иш давом эттирилмоқда. Хуллас, туманда қилиниши лозим бўлган ишлар жуда кўп. Энг муҳими, республика ҳукумати, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан шу йилнинг ўзида жуда кўп маблағ талаб этадиган, кўп йиллардан буён ечимини топмай келаётган катта-катта масалаларни ҳал этиш бўйича барча таклифларимиз қўллаб-қувватланиб, лозим бўлган маблағлар ажратилди ва ажратилмоқда. Биз бунга жавобан барча чора-тадбирларни ишга солиш, режадаги ишларни охирига етказиш, ҳар бир ишнинг самарадорлигига эришиш йўлида саъй-ҳаракатларни амалга оширяпмиз.



Қурилиш

# «ДАМ ОЛИБ, ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШ» МАЖМУАСИ

**Матбуотчилар, Сайилгоҳ ва Камол Отатурк кўчалари кесишган жойга борсангиз шу кунларда жуда кенг кўламдаги қурилиш ишлари амалга оширилаётганининг гувоҳи бўласиз. Қисқа муддат ичида бу ерда беш қаватли замонавий бино асоси қад кўтарди.**

«Тошуйжойинвестқурилиш» корпорациясининг 12-трести ҳиссадорлик жамияти ушбу иншоотнинг бош пудратчиси бўлиб, қурилиш-механизация тресті ер қазиш, «Тошметроқурилиш» бошқармаси бино остида жойлашадиган гаражлар учун лаҳм қазиш, «Тошсаноатқурилиш», «Агроқурилиш» трестлари қурувчилари эса тиклаш-ғишт териш юмушларини адо этишмоқда.

— Шаҳримизнинг марказий нуқталаридан бири ҳисобланмиш Матбуотчилар, Сайилгоҳ ва Отатурк кўчалари кесишувида «Дам олиб, ҳордиқ чиқариш» мажмуаси қад кўтармоқда, — деди биз билан суҳбатда 49-қурилиш бошқармасининг бош муҳандиси Садриддин Шотурсунов. —



Ушбу дам олиш мажмуаси асосий иншооти тагида икки қаватли ер ости гаражлари жойлашади. Бинонинг биринчи қаватидан супермаркетлар, иккинчи ва учинчи қаватлардан эса ресторан, қаҳвахона ва офислар ўрин олади. Қурилишда айниқса монтажчи Бахтиёр Иноятов, пайвандчилардан Абдураҳмон Билолов ва Ғанижон Маҳкамовлар барчага ўрнак бўлган ҳолда меҳнат қилишмоқда. Намунали меҳнат қилаётган қурувчиларга ҳар ойда пул мукофотлари ажратилмоқда.

Қўли гул бунёдкорлар мустақиллигимизнинг етти йиллик тантаналарига ўз муносиб туҳфаларини тақдим этишмоқчи — 1 сентябрь кунига Сайилгоҳ ва Истиқлол кўчалари оралиғидаги иккита замонавий чойхона, фавворалар мажмуасини фойдаланишга топшириш учун самарали меҳнат қилишмоқда. Қолган қурилиш-тиклаш ишларини эса йил охирига қадар тугаллаш мўлжалланмоқда.

*СУРАТЛАРДА: Сайилгоҳ, Матбуотчилар ва Камол Отатурк кўчаларидан ўрин оладиган «Дам олиб, ҳордиқ чиқариш» мажмуасининг лойиҳаси; Нурали Тожибоев, Нурбек Усубалиев, Баҳодир Хонақулов (чапдан ўнгга) каби ғишт терувчилар ушбу иншоотда сидқидилдан меҳнат қилишмоқда; мажмуанинг асосий иншоотида тиклаш ишлари жадал кетмоқда.*



Тадбиркорлик

# ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ БЎЙИЧА

**Республикамизнинг давлат инвестиция дастурида хорижий инвестицияларни юртимизга кўплаб жалб этиш, қўшма корхоналар тузиш йўли билан иқтисодиётимизни маблағ билан таъминлаш масалалари кўзда тутилган.**

Юнусобод туманида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан Туркиянинг ишлаб чиқариш-савдога йўналтирилган «Дилек интерпрайс» хорижий корхонасининг Юнусобод даҳаси, 17-мавзеда ўз корхонасини очиши бу йўлдаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва унинг 60 фоизини экспортга чиқариш орқали Ўзбекистон иқтисодиётига валюта тушумини туширишдек хайрли мақсадларни кўзлаган туркиялик тадбиркорлар бундан икки йил аввал тумандан ер олиб, қурилиш ишларини бошлаб юборишган эди. Улар фаолият бошлаб, давлат инвестиция дастурига 13 миллион долларлик сармоя билан киришди. Қисқа муддат ичида — 1997 йилнинг октябрь ойида тажриба-синов ишлаб чиқариши йўлга қўйилди, шу йилнинг январь ойидан эса асосий ишлар бошланди.

Ҳозир Италия, Туркия ва Швециянинг энг янги технологик дастгоҳлари ўрнатилган ҳолда корхонанинг биринчи босқичи ишга туширилган бўлиб, сифатли, чиройли қадоқланган, ичига 20 га яқин спортчилар, ҳайвонлар, мультфильмлар қаҳрамонларининг суратлари жойланган сақичлар тайёрланмоқда. Қисқа муддат ичида Қирғизистонга маҳсулот чиқариш йўлга қўйилди, Россия билан шартномалар тузиляпти, маҳсулот етказиб бериш бўйича 200, 300 минг, 1 миллион сўмлик шартномалар имзоланди. Энг муҳими, сақич цехи ишчилари тегишли ижтимоий шароитлар билан таъминланди — уларга махсус иш кийимлари ва бепул овқат беріляпти.

Барча керакли асбоб-анжомлар, машиналар ўрнатилган бўлса-да, корхона ҳозирда 10 фоиз қувватда ишлаяпти. Агар иш режа бўйича кетса Мустақиллик байрамига тўла қувватда 6 та цехнинг барчаси ишга туширилиб печенье, шоколад, пирожний, юмалоқ шоколадлар, вафли ва бошқа қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилса, маҳаллий аҳолидан 400 киши иш билан таъминланади. Бир йилда эса аҳолига 15 минг тонна сифатли қандолат маҳсулотлари етказиб берилади.

Метро

# «МИНОР» БЕКАТИ БАЙРАМГА ТОПШИРИЛАДИ

**Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган бетакрор ва гўзал метро бекатларида қатнаётган шинам вагонлар орқали пойтахт аҳолиси ва меҳмонларига тез ва қулай хизмат кўрсатилмоқда. Буни пойтахтимиз меҳмонлари ҳам эътироф этишмоқда.**



Ҳозирда бунёд этилаётган метро бекатлари хусусида тўхталадиган бўлсак, бунда Юнусобод йўналиши алоҳида ўрин тутади — яқин келажакда «Шаҳристон», «Бодомзор», «Минор», «Қодирий», «Ражабий» ва «Лоҳутий» бекатлари аҳолиси 300 мингдан зиёд юнусободликларнинг узоғини яқин қила бошлайди.

«Минор» бекатидаги қурилиш ишлари билан танишиш мақсадида келганимизда бошқа бекатлар қатори бу ерда ҳам ҳар бир жабҳа бўйича қизғин иш кетаётганлигига амин бўлдик. Бетончилар, электр пайвандчилар, арматурачилар, монтажчилар, муҳандислар қўлни-қўлга бериб ўзаро узвий ҳамкорликда қурилиш-тиклаш ишларини амалга оширишмоқда. Метронинг асосий негизи бўлмиш лаҳм қазиш ишлари «Минор»дан «Қодирий» бекатигача тайёр бўлди.

Ўйлаймизки, бекатдаги барча бунёдкорлик ишлари ўз вақтида адо этилиб, Мустақиллигимизнинг етти йиллик тўйига «Минор» бекати муносиб туҳфа сифатида топширилади.





*СУРАТЛАРДА: метронинг «Минор» бекатини мустақиллигимизнинг етти йиллик тантаналарига топшириш мақсадида кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари кетмоқда. Бунда айниқса Мадраим Раимов, Виталий Сухорученко, Алексей Иванов (чапдан ўнгга) каби қурувчиларнинг фаолиятлари барчага ўрнак бўлмоқда. «Минор» бекати 4-участкаси лаҳмчилари отряди бунёдкорлари Константин Литвинов ва Евгений Карпенколар иш устида: бекатнинг умумий кўриниши.*

Саноат

# АРЗОН ВА ҚУЛАЙ

**Муртазоев кўчасида жойлашган Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг 7-умумий ётоқхонаси ёнида электр маиший буюмларни ижарага бериш пункти жойлашганди. Кейинги пайтларда ўз ишини тўхтатган ушбу пункт ўрнида мана бир ойдирки, «Чафсаф» хусусий фирмасининг кир ювиш корхонаси фаолият бошлади.**

Биз корхонага кирганимизда ходимларнинг қўли-қўлига тегмаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Кир ювиш нуқтасига Сингапурнинг «Рома» фирмасининг учта кир ювиш, учта катта ва шунча кичкина қуритиш машиналари ва иккита дазмоллаш анжомлари ўрнатилган бўлиб, энг тез хизмат 1,5—2 соат, энг узоқ чўзилганида эса тўрт соатда кирлари ювилиб, дазмолланган ҳолда мижозларга қулай, тез ва сифатли хизмат кўрсатилмоқда.

— Шаҳарда кир ювиш нуқталарининг ниҳоятда камлигини ҳисобга олган ҳолда ўз ишимизни шу йўналишда ташкил этишга қарор қилдик, — дейди биз билан суҳбатда «Чафсаф» хусусий фирмасининг директори Алишер Комилжонов. — Асосий мақсадимиз эса шу атрофда жойлашган Тошкент ирригация, қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари ҳамда шаҳар тиббиёт-педиатрия институти талабаларига арзон ва сифатли хизмат кўрсатишдир. Умумий ётоқхона хизматчилари талабалар чойшаб, ёстиқ жилд, кийим-кечакларини тўплаб бизга келтиришади, хизматимизга пулни эса институт бизнинг ҳисобимизга ўтказади. Яқиндан эса шу ҳудуддаги маҳаллалар аҳолисига ҳам хизмат кўрсата бошладик.

Шуни айтиш керакки, бу ерда мижозларга ҳам сифатли, ҳам арзон хизмат кўрсатилмоқда. 1 килограмм кийимга ўртача 75 сўм ҳақ олинади. Иш унуми ҳам анчагина юқори — корхона бир кунда 400-500 килограмм кирни ювиб, дазмоллаб эгаларига етказиш қувватига эга. Оила йилида «Чафсаф» хусусий кир ювиш корхонасининг ҳам ўзига хос «совға»лари бор: оилавий кийим-кечаклар, чойшаблар тўплами олиб келинганида болалар кийимлари бепул ювиб берилмоқда.

